# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 27 июнь, № 126 (6309) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан мамнунман.

Барчамизга яхши маълум, бугунги ҳаётимизни сизларнинг мураккаб ва масъулиятли фаолиятингиздан, оммавий ахборот воситаларидан айри ҳолда асло тасаввур этиб бўлмайди.

Сизларнинг машаққатли меҳнат маҳсулингизни миллионлаб одамлар қаерда бўлмасин, доимо катта қизиқиш ва эътибор билан кутади. Дунёда кечаётган турли-туман воқеа ва жараёнлар ҳақида сизлар етказадиган тезкор ва холис ахборотнинг, ҳаётий муаммолар, кундалик ташвишлар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист аҳли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти ва салмоғи ҳозирги замонда тобора ортиб бормоқда.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг **“Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил”** деган ҳикматли сўзлари аввало сизлар каби заҳматкаш ва фидойи инсонлар шаънига айтилган, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, сизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш йўлида қилаётган эзгу хизматларингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечими ўта оғир ва мураккаб бўлган турли-турли муаммоларни туғдираётган XXI асрда яшаётганимизни ҳеч эсимиздан чиқармаслигимизни истардим.

Шулар қаторида, авваламбор, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четида зудлик билан акс садо бераётган бир пайтда, бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият, ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни мукаммал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, профессионал малакамизни ошириш учун ўз устимизда мунтазам ишлашни талаб қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарур — ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай кўп қиррали шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкинлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз аҳолисини, замондошларимизнинг ҳаёти ва дунёқарашини кечаги — 90-йиллардаги одамларнинг ҳаёти ва дунёқараши билан солиштирадиган бўлсак, ўртада ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, бугун биз яшаётган янги давр, янгича ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдига тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимизнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида амалга оширган ишларимиз ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Мен бу борада фақатгина баъзи бир мисолларга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан.

Сўнгги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонунлар қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охирги 7 йилда соҳа ривожи учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқни ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшилангани бизнинг бу борада қандай катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзида веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузатгич мосламалари ўрнатилади ва шу тариқа барча ҳудудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айни пайтда миллий теледастурларимиз сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги сермазмун ҳаёти билан таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани бунинг амалий тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!

Бугунги хурсандчилик кунда матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олдимизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажак истиқболлари хусусида фикр юритишимиз албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган даъват авваламбор ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунасиз.

Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдек улкан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томонлама қодир бўлишини бундай юксак маррага эришишнинг асосий шарти ва гарови сифатида кўрамиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз халқаро медиа маконида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Шу борада кейинги пайтда бир қатор ривожланган давлатлар, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялардан малакали мутахассис ва журналистлар юртимизга таклиф қилиниб, улар иштирокида матбуот ходимлари учун ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Бу тажрибанинг кенг қўлланиши туфайли ўтган йилнинг ўзида 650 дан ортиқ матбуот ходимларимиз ўз малакаси ва маҳоратини оширишга эришганини, шу билан бирга, кўплаб ўзбек журналистлари ҳам хорижий давлатларга бориб, тажриба алмашиб келганини қайд этиш лозим. Келгусида ҳам бундай самарали ижодий алоқаларни давом эттириш оммавий ахборот воситаларимиз ривожига янги туртки бериши шубҳасиз.

Журналист кадрларнинг янги авлодини, ўз касбининг устаси бўлган етук таҳлилчи ва шарҳловчиларни тайёрлаш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг замонавий янги биноси қуриб фойдаланишга топширилганини таъкидлаш керак. Ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини, ижодий маҳорат сирларини пухта эгаллаш учун барча зарур моддий-техник база ва инфратузилма тармоқларига эга бўлган ушбу олий ўқув маскани мамлакатимиз журналистларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши билан айниқса аҳамиятлидир.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳаммамизга аён, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга келади. Лекин бахт дегани фақат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзуларга берилиб яшашни англатмайди. Бахт — бу, менинг назаримда, аввало тинч-осойишта ҳаёт, оила, эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршисида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз асрлар давомида одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби эзгу фазилатларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, неча-неча авлодларга безавол етказиб келаётгани тарихимиздан яхши маълум.

Эл-юртимизни минг йиллар оша турли тўфон ва бўронлардан омон сақлаб, барчамизга куч-қудрат бағишлаб келаётган, ҳаётимизни ҳар томонлама юксалтирадиган бундай олижаноб қадриятлар, ўйлайманки, оммавий ахборот воситаларимиз учун ҳеч қачон аҳамиятини, қадрини йўқотмайдиган бош мавзулар бўлиб қолади. **Чунки маънавиятни асраш — аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир**. Маънавий дунёмизга қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда бу ўткир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча бироз орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганмиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Бугунги кунда бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказсак, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсак, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласак, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажак бизникидир.**

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этишда жамиятимиз, барчамиз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адолат ва эзгулик йўлида ҳамиша ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги қутлуғ айёмда сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июнь куни Оқсаройда Малайзия, Жазоир Халқ Деморактик Республикаси, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Дато Норайни бинти Абд Ҳамид, Носир Бушерит, Винод Кумардан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.**

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон Малайзия, Жазоир ва Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади ва уларнинг шарафли ҳамда масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Малайзия элчиси билан суҳбатда мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқалари, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама этилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, Ўзбекистон — Малайзия институтлари фаолиятини ва ҳамкорлик механизмларини фаоллаштириш, қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишдан ҳар икки мамлакат ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Элчи Дато Норайни бинти Абд Ҳамид Малайзия ва Ўзбекистон ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон Жазоирга Шимолий Африкадаги энг муҳим ташқи сиёсий шериклардан бири, деб қарайди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Жазоир элчиси икки мамлакат халқларини тарихий, маданий ва маънавий муштарак алоқалар боғлаб туришини таъкидлади ва давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга муносиб хизмат қилишни ўзи учун улкан шараф, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистонда Ҳиндистонни нафақат қадимий тамаддун бешикларидан бири, балки жадал ривожланиб бораётган ва минтақавий ҳамда халқаро муносабатларда муҳим ўрин тутадиган мамлакат сифатида яхши билади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар олий даражадаги доимий сиёсий мулоқотлар асосида изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи ва ушбу ташриф чоғида бўлиб ўтган самарали музокаралар ўзаро серқирра ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Ҳиндистон элчиси мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун бутун куч-ғайрати ва тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

**ЎзА.**

**27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

# Фидойилик ва масъулият мезони

*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

Парламент томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ҳам ана шулар хусусида сўз борди. Тадбирга қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, фахрий журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Тантанада сўз олганлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич равнақ топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

# ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

*Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, тарихан қисқа даврда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, хавфсизликни таъминлаш, умуман, барча соҳада улкан ютуқларни қўлга киритиб, дунё ҳамжамиятининг ҳайрат ва ҳавасини орттирмоқда. Ушбу даврда миллий матбуотимиз ҳам жадал ривожланиб бораётгани қувонарлидир. Президентимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада юқори даражага кўтариш масаласи ҳақида сўз юритганда, бунда, аввало, ҳуқуқий кафолат ва шароитларни, журналист ҳамда техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари устувор аҳамиятга эга бўлмоғи лозимлигини таъкидлайдилар.*

## МОДЕРНИЗАЦИЯ

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли юртимиз оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораяпти. Бу ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, турли фикр ва қарашларнинг кучайишига, халқимизнинг дунёқараши ҳамда маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида илгари сурилган ғоя ва таклифлар бу борада навбатдаги муҳим босқични бошлаб берди. Ушбу дастуриламал ҳужжатга асосан бир қатор янги қонунлар қабул қилинди. Мавжудларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётир.

(Давоми 2-бетда).



## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



*Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамиятига бағишланган қатор тадбирлар ўтказилмоқда.*

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ АСОСЛАРИ

Чунончи, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида олий таълим муассасаларининг раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Унда қуйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Олий Аттестация комиссияси мутасаддилари, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, журналистлар қатнашди.

Тадбирда асосий эътибор мазкур Фармондан келиб чиқадиган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш, унинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилди.

Таъкидланганидек, юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий қилиш, ёшларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида олий таълим муассасалари салоҳиятли илмий ва педагогик таркибга, замонавий ўқув-дастурий асосга, моддий-техник база ва ўқув-илмий лабораторияларга эга бўлди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган самарали миллий моделини яратишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Айниқса, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилаётгани ўтган йилларда мамлакатимизда олий ўқув юртлари педагогик жамоаси салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи малака ошириш механизмини тубдан ислоҳ этишга замин яратди.

— Мазкур Фармон ҳам олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг янада такомиллаштирилган тизимини жорий қилишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир, — дейди Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Абдуғаппор Қирғизбоев. — Унда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол тадбиқ этишига оид чора-тадбирлар ўз ифодасини топди. Бу, ўз навбатида, профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида янада кўпроқ ишлашларига, ўқув жараёнига илғор услубларни кенг жорий этишга, касб маҳорати, илмий фаолиятини муттасил ошириб боришига зарур шарт-шароит яратади.

Тадбир иштирокчилари томонидан Фармонда белгилаб берилган вазифалар чуқур таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, мазкур ҳужжат билан мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари Таянч олий ўқув юртлари курсларида қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шартлиги, курслар якунида тингловчилар аттестациядан ўтиши лозимлиги белгиланганиб, ўз навбатида, ўқитувчиларга қабул қилинган янги қонунлар, таълим тизимидаги замонавий услублар, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва қўллашга янада кенг имконият беради. Олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириши каби яна бир қатор замонавий талаблар қўйилаётгани соҳа мутахассисларининг бугунги давр билан ҳамнафас бўлишларини тақозо этади.

Якунда кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

Давра суҳбатида сўзга чиққан депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари томонидан Президентимизнинг мазкур Фармони ижросини таъминлашда барча мутасаддиларнинг фаол иштирок этиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.



# Фидойилик ва масъулият мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда 1400 дан зиёд газета ва журнал, электрон, интернет медиатузилмалар самарали фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда кучга кирган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини янада кенг таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган "Йилнинг энг фаол журналисти — 2014" республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида оммавий спорт тарғиботи бўйича фаоллик кўрсатган журналистларга диплом ва совғалар топширилди.

Йиғилишда мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар миллий оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётгани учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

Анжуман доирасида Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг "Ойдин" спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. Боситхонова, А. Икромов иштирок этди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2014" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Абдураҳмонова Улдона** — "Тил ва адабиёт таълими" журнали бўлим муҳаррири — Таълим жараёнида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва ижтимоий мавзудаги долзарб материаллари, илмий-публицистик мақолалари учун

**Абдулфаизов Маҳмуд** — "Сурхон тонги" газетаси бўлим мудири — Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, аҳоли турмуш тарзидаги туб ўзгаришлар, миллий қадриятларимизни улуғловчи мавзулардаги публицистик мақолалари учун

**Ажимов Саламат** — "Истиқлол ва қонун" газетаси масъул котиби (Қорақалпоғистон Республикаси) — Қорақалпоғистон аҳолисининг бугунги ҳаёти, орзу-интилишларига бағишланган, истиқлол берган чексиз имкониятлар турмуш фаровонлигига хизмат қилаётгани ҳақидаги туркум мақолалари учун

**Алибаев Сергей** — "O'zbekiston" телеканали "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари — Мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш жараёнлари ҳамда республикада юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий воқеаларни кенг ва тезкор ёритгани учун

**Исмоилов Отабек** — "Хива тонги" газетаси мухбири — Халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга қаратилган туркум мақолалари учун

**Мустафоев Асад** — "Жиззах овози" газетаси бўлим муҳаррири — Халқимизга хос эзгу фазилатлар, уларнинг баркамол ёшлар тарбиясидаги ўрнига, ёш авлод эришаётган ютуқларга бағишланган мақолалари учун

**Файзиева Холида** — "Ҳуррият" газетаси бўлим мудири — "Соғлом бола йили" ва "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурлари ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

**Холбобоев Эркин** — "Ўзбекистон овози" газетаси мухбири — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасига бағишланган таҳлилий мақолалари учун

**Ўринбоева Севара** — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси лойиҳа раҳбари — Ўзбекистонда миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва парламент фаолиятини кенг ёритишга бағишланган "Парламент соати" туркум кўрсатувлари учун

**Шоева Сайёра** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририяти бўлим мудири — Мамлакатимизда аграр соҳадаги ислоҳотлар самаралари, экология муаммоларини бартараф этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини интернет тармоғида кенг ёритган таҳлилий материаллари учун

**Танловнинг рағбатлантирувчи мукофоти совриндорлари**

**Айходжаева Азиза** — "Нурли жол" газетаси мухбири

**Остонақулов Хайрулла** — "Жамият" газетаси мухбири

**Бозорова Шоҳиста** — "Қашқадарё" газетаси бўлим муҳаррири

**Мутин Сергей** — "Ташкентская правда" газетаси бўлим мудири

**Норжигитова Бахринисо** — "Гулистон ҳаёти" газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилояти)

**Нўъмонов Нурилла** — "Андижоннома" газетаси мухбири

**Пардаева Кумуш** — "Yoshlar" телерадиоканали "Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси дастурлари" муҳарририяти муҳаррири

**Пўлатов Исомиддин** — "Зарафшон" газетаси мухбири (Самарқанд вилояти)

**Сатторов Илҳом** — Навоий вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири

**Сулаймонов Маъсуд** — "Маънавият" газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)

**Турдиев Мадраҳим** — "Истиқлол-ТВ" телестанцияси мухбири (Бухоро вилояти)

**Файзиев Хуршид** — "Халқ иродаси" газетаси бош муҳаррири (Наманган вилояти)

**Шовқиев Одилбек** — "Dunyo bo'ylab" телеканали катта муҳаррири

**Эргашева Нодира** — "Poytaxt" радиоси муҳаррири

**Юсупов Рустам** — "Маҳалла" газетаси мухбири

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Жорий йилда Навоий вилоятида Инвестиция дастурига мувофиқ, 58 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш кўзда тутилган.*

### Таъминот янада яхшиланади

Шу асосда ҳозирги кунгача вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан 201 километрдан ортиқ масофага қувур ётқизилиб, сув тармоқларига уланди.

Шунингдек, Хатирчи ва Конимех туманларидаги намунавий массивларда сув миноралари барпо этилди. Йил охиригача Нурота ҳамда Хатирчи туманларининг олис қишлоқларида ҳам ана шундай гидроиншоотлар қурилади.

Бу мақсадлар рўёби учун йил якунига қадар 13 миллиард 867 миллион сўм йўналтириш режалаштирилган.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сунъий қўшимчалардан холи

*Гулистон туманининг Мевазор маҳалласида замонавий технология асосида макарон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

Эътиборлиси, ушбу озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда сунъий қўшимчалардан фойдаланилмайди.

— Ҳозир истеъмолчиларга 9 турдаги макаронларни таклиф этаяпмиз, — дейди "Фарҳод-Фурқат-Фаррух ҳамкор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фурқат Маматқулов. — Цехимиз кунига минг килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу кўрсаткични янада ошириш чораларини кўраяпмиз.

Шунингдек, яқинда жамият томонидан қолипли нон цехи ҳам ишга туширилиб, ҳудуд аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тадбиркорнинг навбатдаги режаси

*Денов туманидаги "Денов равнақ камоли" хусусий корхонаси фаолият бошлаган дастлабки даврда бу ерда атиги 5 турдаги пойабзал ишлаб чиқариларди.*

Бугунги кунга келиб эса, уларнинг тури 100 тага етди.

— Маҳсулот тайёрлашда, асосан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Ҳусинбек Муродов. — Бу эса уларнинг сифатини ошириш баробарида, харидоргирлигини ҳам таъминлаяпти. Ўтган йили 140 миллион сўм соф даромад олдик. Яқинда банкнинг 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити эвазига хориждан пойабзал тагликлари ишлаб чиқарадиган янги технология харид қилишни режалаштираяпмиз. Ана шунда мавжуд қувватлар янада ортади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида ноширлик ва матбаа соҳасини ҳам тараққий эттириш, тизимга замонавий технологияларни жалб қилиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди.

— Матбаачилигимизнинг илгариги ҳолати билан бугунги тараққиётини ўзаро қиёсласак, жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй бергани кўзга ташланади, — дейди "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси (НМАК) бош директорининг ўринбосари Равшан Жумабоев. — Истиқлолдан аввал жуда қийин шароитларда ишлардик, кўплаб муаммоларни туғдирадиган эски дастгоҳлардан фойдаланардик. Чоп этилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам шунга яраша эди. Эндиликда дунёга машҳур компанияларнинг замонавий русумдаги, юксак технологияга асосланган дастгоҳларига эгамиз.

Дарҳақиқат, фаолияти бугунги кун талаблари даражасида изчил ривожланиб бораётган "Шарқ" НМАК тизимида газета ва журналлар, китоблар, рисолалар, турли рангдаги тасвирий нашрлар ва бошқа босма маҳсулотлар, шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаяпти. Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилаяпти. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори ҳам ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, ушбу ҳужжат миллий матбуотимизни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг узвий давомидир. Зотан, мазкур қарорга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари ва нашриётларга қатор имтиёз ҳамда преференциялар берилган.

— Бундай кенг шарт-шароит ва имкониятлар натижасида компаниямиз 2013 йилда ISO 9001:2008 халқаро стандарти талабларига мувофиқлик сертификатини олди, — дейди "Шарқ" НМАК бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов. — Бу эса компаниямизда ишлаб чиқарилаётган матбаачилик маҳсулотлари, жумладан, газета-журналлар, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар, адабий-бадиий, илмий-тарихий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳамда халқ истеъмоли молларини янада юқори сифатда тайёрлаб, юртдошларимизга етказиб беришда муҳим аҳамият касб этаяпти. Масалан, 2014 йилда 34,5 миллиард сўмлик босма маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки аввалги йилдагига нисбатан сезиларли даражада ўсишга эришилди.



Шунингдек, ўтган йили юздан ортиқ бадиий, илмий, илмий-оммабоп китоблар, Халқ таълими вазирлиги буюртмаси асосида 79 номдаги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасига мувофиқ 15 номдаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида болалар ва ўсмирларга бағишланган 30 дан зиёд асарлар нашр этилгани ҳам фикримиз далилидир. Айни пайтда янги ўқув йилига 54 номдаги, умумий адади 6 миллион нусхадан ортиқ мактаб дарсликларини чоп қилиш жараёни давом этмоқда.

...Компаниянинг газеталар чоп этиш цехида иш доимо қизғин. Ҳозирги вақтда бу ерда 80 номдаги газета чоп этилмоқда. Цех полиграфия соҳасида етакчи саналган Германия, Ҳиндистон каби давлатлардан келтирилган замонавий босма ускуналар билан жиҳозланган. Мазкур мажмуа бошлиғи Марат Аҳмедовнинг айтишича, бултур "Manugraph" компаниясининг "CityLineExpress" рулонли янги босма машинаси келтирилиб, фойдаланишга топширилгани газеталарнинг янада сифатли чоп этилишига хизмат қилмоқда.




Шуни ҳам айтиш жоизки, корхона жамоаси ёш кадрларни ишга жалб қилиш бўйича ҳам ўзига хос тажрибага эга.

— Ҳақиқатан ҳам, компаниямизда ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди ишчилардан бири Рустам Юнусов. — Ўзимдан қиёс. Ўтган йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг матбаачилик йўналишини тамомлаб, айни пайтда чоп этиш цехида катта уста лавозимида ишлаяпман. Шу билан бирга, "Камолот" ЁИҲнинг бошланғич ташкилоти етакчисиман.

— Корхонамизда ишчилар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, — дейди босмахона ходими Исроил Набиев. — Саломатлигимизни мустаҳкамлаш учун санаторийларга мунтазам равишда йўлланмалар берилади. Дам олиш кунлари юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат қилиш, сўлим дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришимиз учун имкониятлар етарли. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик ҳар бир соҳа ривожида муҳим ўрин тутаётганини дилдан ҳис қиламиз. Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг дилимиздаги эзгу ниятдир. Сизга айтсам, касбимни жуда яхши кўраман, қадрлайман. Шу соҳани танлаганимдан фахрланаман.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Қисқа сатрларда

● Темурийлар тарихи Давлат музейида "Ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришдаги ўрни" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **Пойтахтимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари ходимларининг касб маҳоратини ошириш ва уларнинг ОАВ билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

● Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида линияли таксилар фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирлар ва ушбу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар ўртасида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Европа Иттифоқи компанияларида малака ошириш дастурига

# АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган “Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури (МТР) — Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини ошириш” лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун аризалар қабулини эълон қилади. Малака ошириш Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидаги корхоналарда амалга оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки лойиҳа томонидан танланиши мумкин.

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг узоқ келажакдаги барқарор ривожланишини таъминлашга қодир малакали ҳамда салоҳиятли тадбиркор ва менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадга Европа корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали эришилади.

Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури лойиҳасининг мақсади ўзбекистонлик менежерларнинг бошқарув кўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юритишнинг европача усулларига ўқитиш, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборат. Номзодлар малака ошириш сафарида иштирок этишдан кўзланган мақсадни аниқ кўрсатиши ҳамда бу унинг ва корхонаси ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиши лозим.

Лойиҳанинг тренинг ва малака оширишларида қатнашиш танланган иштирокчилар учун бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ харажатлар (авиачипта учун 400 евро миқдоридаги шахсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, суғурта лойиҳа маблағлари эвазига қопланади.

Барча талабга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари — менежерларигина малака ошириш учун ариза топшириш ҳуқуқига эга.

Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари — менежерлари учун талаблар (ва керакли ҳужжатлар) ҳамда лойиҳа янгиликлари батафсил лойиҳанинг веб-саҳифасида www.mtpeu.uz ва Facebook саҳифасида https://www.facebook.com/mtpeu кўрсатилган.

Номзодларнинг аризалари 2015 йилнинг 22 июлигача қабул қилинади. Аризанинг онлайн шакли лойиҳанинг веб-саҳифасида жойлаштирилган.

Махсус изоҳ: танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда, камида 20 фоиз аёл номзодларни танлаб олишни кўзда тутади.

Қўшимча маълумотлар учун:
Жаноб Григориос Контзоглу, БКТД (МТР) лойиҳасининг бошлиғи.
Манзил: Амир Темур кўчаси, 4,
Тошкент шаҳри, 100047
Телефон: (0-371)2335901
Факс: (0-371)2336406
E-mail: mtp@.mtpeu.uzmtp@
Veb-sahifa: www.mtpeu.uz

Банк ва мижоз:

# ТЕЗКОР ХИЗМАТ, ЮҚОРИ НАТИЖА

*Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга янада кўпроқ эркинлик берилаяпти. Бу, табиийки, кичик бизнес субъектлари ривожида муҳим омил бўлаётир. Натижада мазкур соҳа ички бозорни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашда асосий роль ўйнамоқда.*

*Шу ўринда айтиш жоизки, соҳа вакиллари эришаётган ютуқларда банк тизимининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, уларнинг истиқболли лойиҳалари тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари эвазига муваффақиятли амалга оширилаяпти. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам фаол иштирок этиб, аллақачон ишбилармонларнинг яқин молиявий ҳамкорига айланган. Буни банк мижозларининг қуйидаги дил изҳорлари ҳам тасдиқлаб турибди.*

